

Д.А. Шодибекова,  
и.ф.н., доц., ТДИУ

## КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШ ОРҚАЛИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ

*В данной статье рассматривается актуальность и значение малого бизнеса и частного предпринимательства в перспективном развитии экспортного потенциала республики, а также даются предпосылки повышения качества шелковой продукции, развития малого бизнеса и предпринимательской деятельности на этой отрасли, анализируются сегодняшнее состояние предприятий малого бизнеса и частного предпринимательства, выпускающие экспортную шелковую продукцию, предлагаются рекомендации по их перспективному развитию.*

*This article provides some insight into the role of small business and private entrepreneurship in the stable development of Uzbekistan's economy as well as theoretical bases and scientific conceptions. It analyzes the current state of small businesses and entrepreneurship and gives recommendations.*

**Калитли сўзлар:** кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, ишбилармонлик, илмий-техника тараққиёти, микрофирма, товар, рақобат, тадбиркорлик субъектлари, минтақа, сифат, замонавий талаблар, экспортбон маҳсулот, аҳоли даромадлари, турмуш фаровонлиги, ипакчилик маҳсулоти сифати, сифат омиллари.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг бутунлай янги тизими барпо этилди. Шу мақсадда, ташқи иқтисодий алоқаларда минтақалар иштирокини фаоллаштириш ва экспорт салоҳиятини ошириш, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш устувор йўналиш сифатида танланди. Бу эса иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг ва иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ва барқарор ривожланишнинг ҳал этувчи омили бўлмоқда.

Жаҳон тажрибаси ҳамда ўз миллий иқтисодиёти тараққиётининг шарт-шароитларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон мустақилликка эришганининг биринчи кунларидан бошлаб, ташқи иқтисодий соҳасида аниқ йўналишларни белгилаш бўйича амалий тадбирлар белгилади.

Бу йўналишлар давлатнинг асосий дастурий ҳужжатларидан акс этирилган ва республиканинг тегишли қонунларида мустаҳкамлаб қўйилади. Ташқи савдо соҳасидаги мўлжалланган мақсадларга эришиш Ўзбекистон халқаро иқтисодий, ҳамкорликда қатнашишдан келадиган афзалликлардан мумкин қадар кўпроқ амалда фойдаланиш имконини беради. Бу афзалликлар – товар ва хизматларнинг ички ва ташқи нархлари ўртасидаги фарқ маҳсулот ишлаб чиқариш кўламларини кенгайтириш, илғор хорижий фан-техника

тажрибасидан фойдаланиш ва чет эл капиталларини жалб этиш ҳисобига миллий иқтисодий самарадорлигини оширишдан иборат.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, ташқи алоқаларни кенгайтириш, мамлакатимиз экспорт имкониятларини рағбатлантириш мақсадида, муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганлиги ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлди.

Ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширишнинг асосий тамойиллари тартиби “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги қонунда мустаҳкамланган. Ушбу қонун ташқи иқтисодий алоқалардаги қатнашчиларнинг ҳуқуқлари, манфаатлари ва мол-мулкани халқаро ҳуқуқларнинг умумий мулкчилик шаклларида қатъи назар, ҳимоя қилинишини таъминлаб, республика иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимида қўшилишининг ҳуқуқий асосини яратади.

2016 йил 1 январга қадар республикадаги ўз маҳсулоти ҳажмининг, жумладан ярим тайёр маҳсулотларнинг (калава, газлама, трикотаж газлама ва пахта йиғириш чиқиндилари) 80 фоизи ва ундан ортиғини эркин алмаштириладиган валютага сотадиган тўқимачилик саноати корхоналари мулк солиғи тўлашдан озод қилинган[2].

Микрофирмалар ва кичик корхоналар ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод этилган[3].

Саноат тармоқларини диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини янада ошириш мақсадида “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорига асосан саноатни ривожлантиришнинг комплекс дастури ва модернизация қилиниши, техник ва технологик янгилиниши, янгидан барпо этилиши кутилаётган йирик инвестицион лойиҳалар акс этган бўлиб, қуйидаги устувор йўналишлар белгилаб берилган[4].

Мамлакатимизда 2011-2015 йилларда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш, қулай тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди:

- ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва янги қонунлар қабул қилиш;
- мамлакатимизда ва ҳудудларда ҳар томонлама қулай бизнес муҳитини яратиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида солиқ ва бошқа тўловлар бўйича қулай шароит яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш;
- фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ҳисобидан иқтисодиётни модернизация қилиш ва унинг таркибини диверсификация этиш;

➤ ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш[5].

Республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш мақсадида, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушини изчил ошириш ҳамда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар, яъни микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари фаолиятига оид барча текширувлар режали тартибда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан, бошқа хўжалик субъектларида эса фақат Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши қарорига асосан уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартибда амалга оширилади. Республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш мақсадида, 2016 йилдан бошлаб турли идоралар ҳузуридаги «бир дарча» хизматлари томонидан кўрсатилаётган давлат хизматлари, марказлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар тизимга интеграция қилиниб, таъсис ҳужжатлари ва давлат хизматларидан фойдаланиш учун тақдим этиладиган бошқа ҳужжатлар, жумладан, лицензия ва рухсат бериш йўлга қўйилади, бу эса тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишдан тушаётган давлат божининг жами суммаси туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари даромадига, 2016 йилнинг 1 январидан эса «бир дарча» марказларини молиялаштириш манбаи сифатида уларнинг даромадига ўтказилади, келиб тушган маблағлар фақат марказлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ходимларни рағбатлантириш мақсадларига йўналтирилади[6].

Амалга оширилган тадбирлар натижасида ўтган 2014 йилда 500 дан зиёд янги корхона, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектлари экспорт фаолиятига жалб этилди. Ташқи савдо балансидаги ижобий сальдо 180 миллион долларни ташкил қилди, мамлакатимизнинг олтин-валюта захиралари 1 миллиард 600 миллион долларга кўпайди.

Хусусан кейинги йилларда ГИФ миллий банки ҳузурида махсус ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг роли бу борада тобора ошиб бормоқда.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида махсус ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг роли бу борада тобора ошиб бормоқда.

2014 йилда мазкур Жамғарма томонидан 2 минг 400 та тадбиркорлик субъектига ўз товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқариш бўйича ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатилди. Жамғарма кўмагида тадбиркорлик субъектлари томонидан 1 миллиард 250 миллион доллар

миқдоридоғи экспорт шартномалари тузилди. Мазкур шартномалар асосида ўтган йили қиймати 840 миллион доллардан зиёд товарлар экспорт қилинди.

Жамғарма томонидан тадбиркорларга ташқи бозорларни ўрганиш ва чет эллик шерикларни топиш, халқаро тендер савдоларида иштирок этиш, шунингдек, экспорт шартномаларини тузиш, халқаро сертификатлар, рухсат беришга оид ҳужжатларни олиш ва божхона расмийлаштируви бўйича фаол ёрдам берилмоқда. Шу борада ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун янада қулай шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини барчамиз албатта яхши тушунамиз[1].

Ҳозирги кунда хорижий бозорда маҳсулот рақобатдошлигига эришишдаги асосий омил экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш масаласидир. Жумладан, ипакчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иқтисослашган кичик бизнес корхоналари маҳсулоти сифатини ошириш орқали рақобатбардошлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳозирги куннинг энг долзарб масаласидир.

Кичик бизнес корхоналарида маҳсулот сифатини ошириш орқали рақобатбардошлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш йўлларида бири замонавий техника ва илғор технологиялар ҳамда сифат менежментини жорий этиш орқали бажарилади.

Кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқарилаётган “Кумуш тола”дан тайёрланадиган, жаҳон бозорида харидорғир ва рақобатбардош маҳсулотларни экспорт қилишдан бюджетга валюта тушуми миқдорини янада оширишда етиштириладиган пиллани миқдори ва сифат кўрсаткичлари муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, уларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш бугунги кунда республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш билан бевосита боғлиқдир. Чунки ҳозирги глобаллашув шароитида истеъмолчи нафақат ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сифат сертификатга эга бўлишини, балки маҳсулотнинг сифати ва ишончилигига ҳам кафолат талаб қилмоқда. Тажриба кўра, бундай кафолатни ишлаб чиқаришга замонавий сифатни бошқариш тизимларини жорий қилган корхоналаргина бера олиши мумкин. Ҳозирги кунда 90 дан ортиқ мамлакатларни бирлаштирган сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиб жорий этишга асосланган Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO)га республикамиз ҳам аъзодир. Кўпгина ISO стандартлари республикамизда давлат стандартлари сифатида қабул қилинган. Жумладан, сифатни бошқариш тизимини сертификатлаштирувчи ISO 9001:2008 стандарти. Шу боис, Республикамиз Ҳукумати мазкур масалага катта эътибор қаратмоқда.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июлдаги 173-сонли “Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарорда 277 та корхоналарда сифатни бошқариш тизимини 2011 йилгача жорий қилиш, кейинчалик яна

иқтисодиётни барча тармоқларининг 952 та корхоналарида шундай тизимни жорий этиш имкониятлари ўрганиб чиқилиши белгиланган.

Халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этган корхоналарга бир қатор имтиёзлар берилиши кўзда тутилган. Жумладан, хориждан маҳсулот сифатини бошқаришда керак бўладиган жиҳозларни олиб келинганда, корхона божхона тўловлари ва ҚҚСдан озод қилинади. Шу билан бирга, ушбу стандартларни жорий этган корхоналарга давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот сотиладиган тендерларда устунлик берилади.

Юқоридаги Ҳукумат Қарорига турли мулкчилик шаклига асосланган Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги “Кумуш тола” МЧЖ, вилоятлар “Пилла” акциядорлик жамиятлари, “Ипакимпекс” МЧЖ ҳамда “Ўзбекенгилсаноат” ДАК таркибидаги “Rom Star” Қўшма Корхонаси “Singapore Samarkand” МЧЖ хорижий, “Hua Lu” МЧЖ хорижий, “Golden Silk” шуъба корхонаси ва “Silver Silk”, “Navoiy Silk”, “Helil Silk” МЧЖ қўшма корхоналари, жами 15 та ипакчилик корхоналарида халқаро стандарт талабига жавоб берадиган сифатни бошқариш тизими жорий қилинди.

Бу тизимни кичик бизнес корхоналарида жорий этилиши бир қатор босқичларни ўз ичига олди. Дастлабки босқичда кичик бизнес корхоналари мавжуд сифатни бошқариш тизимини ҳолати аудитдан ўтказилиши лозим. Кейинчалик аудит натижаларига кўра корхонани “сифат сиёсати” га асосланган тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. Режа корхонани барча фаолият турларини ўз ичига қамраб олади. Сифат жараёнини бошқариш нафақат ишлаб чиқаришда, яъни хомашёни қабул қилишдан тайёр маҳсулотни қадоқлашгача бўлган, балки ҳужжатлар айланиши, ички аудит, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, харидорларни фикр ва тавсияларини ҳисобга олиш каби муҳим омилларни назорат қилишни ўз ичига олди. Яқунловчи босқичда, яъни сертификациялашда сифатни бошқаришни халқаро стандартлар талабига мос равишда амалга оширилади тасдиқланади. Юқорида белгиланган тадбирларни амалга ошириш кичик бизнес корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириши ва унинг истикболда, экспорт салоҳиятини кўпайтириш имконини беради.

Кичик бизнес корхоналари ипакчилик маҳсулотларига сифат менежменти тизимини жорий этишда маҳсулот сифатини шакллантирувчи ўзаро узвий боғлиқликда бўлган ва ҳар бири ўзига хос бўлган омил ва сабабларни инобатга олиш лозим.

Хом ипак ипак ипи табиий толалар туркумига кирганлиги сабабли уни сифатига узаро ўзвий боғланишда бўлган қатор омил ва сабаблар таъсир этади. Жумладан, қишлоқ хўжалик соҳасида: озуқа базасини ҳолати; ипак қурти уруғчилиги; пиллани етиштириш; пилла етиштирувчи ходимларга бевосита боғлиқ бўлган омиллар. Пиллани қайта ишлаш ва хом ипак ишлаб чиқариш жараёнида эса: пиллага дастлабки ишлов бериш, дастгоҳларга боғлиқ бўлган омиллар.

Пиллакашлик корхоналарида ишлаб чиқарадиган хом ипак ипининг сифатини бошқариш, кўп омил ва сабабларга боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан, бу омил ва сабабларни тўғри аниқлаш ва уларни бошқариш, сифатни



таъминлашда муҳим босқич ҳисобланади. Бунда “эксперт” усулидан фойдаланилган ҳолда омил ва сабабларни тизимлаштириш, экспертлар сифатида тармоқ корхоналарининг етакчи мутахассислари ва ишчи-ҳодимларни жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Сабаб ва оқибат диаграммаси маҳсулот сифатига таъсир этувчи омилларни очиқ ойдин кўрсатади. Қуйидаги диаграммада хом ипак ипини ишлаб чиқаришда уни сифатига таъсир этувчи омил ва сабаблар келтирилган.



**Расм. Хом ипак ипини ишлаб чиқаришда уни сифатига таъсир этувчи омил ва сабаблар, оқибатлар диаграммаси[7].**

Бу диаграмма мнемоник 7М усулдан фойдаланилган ҳолда тузилди, яъни етти сифатни таъминловчи асосий омил гуруҳлари: озуқа базаси; ипак қурти уруғчилиги; пиллани етиштириш; пиллага дастлабки ишлов бериш; меъёрий-ҳуқуқий асослар; дастгоҳ; пилла етиштирувчи ходимларга боғлиқ бўлган омил ва сабаблар.

Маҳсулот сифатига бевосита таъсир этувчи турли омилларни тизимлаштириш мақсадида “Сабаб ва оқибатлар” диаграммаси, кўп ҳолда уни Япониялик сифат соҳасидаги профессор Исикава номи билан юритиладиган диаграмма - “Балиқ скелети”дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу маҳсулот

сифатига бевосита таъсир этувчи омил ва шартларни тизимлаштириш имконини беради. Маҳсулот сифатига, уни ишлаб чиқариш жараёнида кўп омил ва сабаблар таъсирида таъминланади. Шу нуқтаи назардан, талаб даражасидаги маҳсулотни ишлаб чиқаришда омил ва сабабларни аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Ипакчилик корхоналарида сифат менежментини жорий этиш орқали халқаро андозалар талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини яратди.

Фикримизча, жаҳон тажрибасидан фойдаланган ҳолда сифат менежментини тадбиқ қилишда ипакчилик корхоналарида сифатни таъминловчи қуйидаги йўналишларда тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Хомашёни сифати бўйича:

➤ юқори ва маҳсулдор ипак куртларини етиштириш орқали, сифатли пилла хомашёсини тайёрлаш.

2. Технологик жараёнларда сифатни таъминлаш бўйича:

➤ пиллакашлик корхоналарини барча технологик жараёнларида сифат кўрсаткичларини меъёрий талаблар доирасида таъминлаш.

3. Кадрлар малакаси бўйича:

➤ кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни илғор услубларини ипакчилик корхоналарда татбиқ этиш ва бу тадбирларни меҳнат мотивацияси асосида амалга ошириш. Жумладан, Япония корхоналарида қўлланиладиган «Сифат тугарак»ларини ипакчилик корхоналарида жорий этиш[8].

Ипакчилик корхоналарига юқоридаги учта йўналишда самарали натижаларга эришиши, халқаро ИСО 9000 стандартлари туркуми қўлланилиши ва сертификат олиш имконини беради. Айрим ҳолларда ИСО 9000 стандартлари туркуми асосида олинган сертификат корхонани хорижий бозорларда ютуққа эришишида асосий омил ҳисобланади. Бундан ташқари сертификатга эга бўлган ипакчилик корхоналари ҳамкорлари олдида муносиб ўрин эгаллашига олиб келади. Бу ўз навбатида жаҳон бозорида республикамизда ишлаб чиқарилаётган ипакдан тайёрланадиган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлайди.

Ипакчилик тармоғи корхоналари рақобат стратегиялари асосий стратегиялар ҳисобланади, бу қаторга қуйидаги стратегияларни киритиш мумкин: маҳсулот таннархини пасайтириш стратегияси; маҳсулотни дифференциациялаш стратегияси; бозорни сегментлаш стратегияси; янгиликлар жорий қилиш стратегияси; бозор эҳтиёжларига зудлик билан жавоб қайтариш стратегияси.

Маркетинг хизматининг асосий мақсади ипакчилик маҳсулотларига талабни шакллантириш ва рағбатлантириш, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш, янги маҳсулот яратиш борасида қабул қилинадиган қарорларни асослаб бериш, шу орқали сотиш ҳажмини, бозор ҳиссасини ва фойда оширилишини таъминлашдир. Айниқса, ипакчилик соҳасида маркетинг хизмати товарлар хилма-хиллигини таъминлаш ва истеъмолчига кенг танлов имконини яратишда муҳим ўрин тутди. Бунда маркетинг хизмати

истеъмолчига ўз дидига кўпроқ мос келадиган товарларни топа олишига кўмаклашиши лозим.

### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 май ПФ-4725-сонли “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. //Халқ сўзи 2015 йил 16 майдаги 98 (6281)-сони

2. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси 16.01.2015йил.

3. Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси материаллари.

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон 2010